


NEW RENAISSANCE

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND
PRACTICAL CONFERENCE



NEW RENAISSANCE

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE

VOLUME 2 | ISSUE 5

MAY

Toshkent-2025

**ЎЗССР МАОРИФ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН
“ЎҚУВЧИ БИЛЕТИ”НИНГ АҲАМИЯТИ**

Бобожонова Феруза Хаятовна

Бухоро давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди.

feruzahayatovna@mail.ru

orcid: 0000-0002-3255-2286

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15427891>

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасида Маориф Халқ Комиссарлиги томонидан тасдиқланган “Ўқувчи билети” ҳақидаги маълумотлар берилган. Мақолада Ўқувчи билети 1940 йилда қабул қилинганлиги ҳамда одоб ахлоқ қоидаларнинг совет мактабларида сўзсиз бажарилишини ҳар томонлама таҳлил қилиб берилган. Шунингдек, совет давлатининг таълим соҳасида олиб борган сиёсатига ҳолисона баҳо бериш орқали маълумотлар матбуот материаллари асосида атрофлича ёритилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, Маориф Халқ Комиссарлиги, Ўқувчи билети, коммунистик мафкура, совет мактаблари, таълим, мактаб, муаллимлар, бошланғич мактаб, ўрта мактаб, маориф.

**ЗНАЧЕНИЕ «ШКОЛЬНЫЙ БИЛЕТА», УТВЕРЖДЕННОГО НАРОДНЫМ
КОМИССАРОМ ПРОСВЕЩЕНИЯ УЗССР**

Аннотация. В статье представлена информация о «Школьном билете», утвержденном Народным комиссариатом просвещения Узбекской ССР. В статье дается комплексный анализ введения ученического билета в 1940 году. Также информация была всесторонне освещена на основе материалов прессы, дающих объективную оценку политике Советского государства в области образования, безусловного внедрения правил этикета в советских школах.

Ключевые слова: Узбекская ССР, Народный комиссариат просвещения, студенческий билет, коммунистическая идеология, советские школы, образование, школа, учителя, начальная школа, средняя школа, воспитание.

**THE MEANING OF THE "SCHOOL TICKET" APPROVED BY THE PEOPLE'S
COMMISSAR OF EDUCATION OF THE UZBEK SSR**

Abstract. The article presents information about the "School ticket" approved by the People's Commissariat of Education of the Uzbek SSR. The article provides a comprehensive analysis of the introduction of the student ticket in 1940. The information was also comprehensively covered based on press materials that provided an objective assessment of the

Soviet state's policy in the field of education, unconditional introduction of etiquette rules in Soviet schools.

Key words. Uzbek SSR, People's Commissariat of Education, student card, communist ideology, Soviet schools, education, school, teachers, primary school, secondary school.

Кириш. Бирор давлат йўқки, таълим-тарбияга лоқайд қараса. Мамлакат тараққиёти замирида таълим-тарбия асосий ўрин касб этади. Ҳозирда Ўзбекистонда таълим соҳасида улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Яқин ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистонда таълим, айниқса, мактаб таълимида ўзига яраша ютуқ ва камчиликлар мавжуд бўлган.

Совет давлатининг таълим соҳасида олиб борган сиёсати ҳолисона баҳо бериш давр талаби ҳисобланади. Чунки таълим масаласи бу давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилган ва қаратилади. Истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг совет даври тарихини ҳолис ва ҳаққоний ёритиш имконияти яратилди. мустақиллик йиллари Ўзбекистон таълим тизимидаги модернизацион жараёнлар, таълим муассасалари фаолиятидаги муҳим ислохотларнинг йилдан-йилга жадаллашиб бориши соҳани атрофлича илмий таҳлил этишга жиддий эҳтиёж борлигини кўрсатади.

Совет ҳукумати мактаб фаолиятини дастлаб ўз назоратига олиб, сўнг советлаштириш сиёсатини босқичма-босқич амалга ошириб борган. 1940/41 ўқув йили бошида Ўзбекистонда 4838 та мактаб, жумладан 2661 та бошланғич мактаб, 1678 та етти йиллик, 499 та ўрта мактаб фаолият кўрсатган. I—X синф ўқувчилари сони 1263643 нафарга етди. I—IV синфларда 865 949 нафар, V—VII синфларда 318 568 нафар, VIII—X синфларда 38 578 нафар бола бор эди. Барча турдаги мактабларда 36 минг ўқитувчи ишлади.

Совет тузум давридаги халқ таълими тизимида совет ҳукумати таъсирида ташкил қилинган мактаблар фаолияти ҳамда соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар, режалар ва янгиликларни биз матбуот саҳифаларида кўришимиз мумкин. Совет ҳукумати йилларида Ўзбекистонда халқ таълим тизимига доир Ўқувчи билети” масаласини “Ўқитувчилар газетаси”да кенг ва атрофлича ёритилган.

Асосий қисм.ЎзССР Маориф Халқ Комиссарлиги ўқувчи билетини тасдиқлади. Ушбу ўқувчи билети 1940 йилнинг 1 октябридан бошлаб ЎзССР ва Қорақалпоғистон АССР нинг барча бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларида қўллаш тўғрисида буйруқ чиқариб, буйруқда қуйидагиларни белгилаган:

Ўқувчи билети фақат мактаб директори (мудир)нинг имзоси билангина кучга молик;

Ўқувчи билети қўллаш фактини ўқувчиларни ўз хулқлари учун масъулиятларини оширишга рағбатлантирувчи бир чора деб қараб, Маориф Халқ Комиссарлиги барча мактаб директори (мудир)ларини;

а) ўқувчиларнинг синф мажлисида ва уларнинг ота-оналари мажлисида ўқувчи билетида эълон қилинган “ўқувчининг ахлоқ қоидалари” ни муҳокама қилишга;

б) ўқувчининг кўрсатилган ахлоқ қоидаларини бажаришга қаттиқ назорат қилишга ва бу қоидаларни бузганларга тегишли, ҳаттоки, 3 йилгача мактабга кираолмаслик шарти билан мактабдан чиқоришгача (ВКП (б) Марказий Комитетининг 1932 йил 25 август қарорига мувофиқ) чора кўришга мажбур қилди.

Асосий эътибор ўқувчининг ахлоқ қоидаларига эътибор қаратилган. Агар биз “Ўқувчининг ахлоқ қоидаларига” мурожаат қиладиган бўлсак, совет мактабидаги ўқувчининг ахлоқ қоидалари қуйидагилар асос қилиб олинган.

Ўқувчининг ахлоқ қоидалари:

1. Дарсга кечикмасдан келмоқ ва ҳеч бир дарсни қолдирмаслик.
2. Мактабга тоза ва озода бўлиб келмоқ.
3. Биринчи звонок чалингандан кейин дарҳол синфга кириб, шовқин-сурон қилмасдан ўз ўрнига ўтирмоқ.
5. Ўқитувчи ва катта кишилар синфга кирганларида ва чиққанларида ўриндан турмоқ; ўқитувчига жавоб бераётганда ўрнидан туриб жавоб бермоқ ва ўқитувчи ижозат бергандан кейингина ўтирмоқ; ўқитувчи бирон нарса сўрамоқчи бўлганда ёки унинг саволига жавоб беришни истаганда қўл кўтармоқ.
6. Ўқитувчилар, ўртоқлари, ота-онаси ва катталар билан сўзлашганда адабли ва маданий бўлмоқ, ўзидан катта кишилар билан сўзлашганда “сиз” лаб сўзлашмоқ.
7. Мактаб директори ва ўқитувчиларнинг ҳар бир таклиф ва буйруқларини тўхтовсиз бажармоқ.
8. Мактабнинг ашёларини эҳтиётлик билан асрамоқ, социалистик мулкни сақламоқ.
9. Уйда озодалик ва тартиб сақламоқ, ўзи дарс тайёрлайдиган жойни, ётадиган кроватини, киядиган уст ва оёқ кийимларини тоза ва озода тутмоқ.
10. Китоб, дафтарларни ва бошқа ўқув асбобларини ҳамиша тоза сақламоқ ва тартибли тутмоқ.
11. Кўчада ва кўпчилик одамлар орасида тоза ва озода кийиниб юрмоқ; кўчада юрганда кўча ҳаракатининг тартиб ва қоидаларига риоя қилмоқ.

12. Кино, клуб, театр ва бошқа шу каби жойларга фақат белгиланган вақтлардагина бормок.

Хулоса қилиб айтганда, тарихимизга мурожаат қиладиган бўлсак, ҳозир мактабларимиздаги одоб ахлоқ қоидалари тарихининг айрим бандлари совет даври ўқувчи билетида ўз аксини топган экан. Ушбу ўқувчи билети Ўзбекистонда ЎзССР Маориф Халқ Комиссарлиги томонидан тасдиқланган ва 1940 йил 1 октябридан бошлаб ЎзССР ва Қорақалпоғистон АССР нинг барча бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларида қўлланилган. Совет мактабларида ютуқлар билан бирга камчиликларнинг мавжудлиги, камчилиги мактаблардаги ўқувларнинг онгига совет мафкурасининг сингдирилиши эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ЎзССР Маориф Халқ Комиссарлигида. Ўқитувчилар газетаси. 1940.й.16 октябрь.32(475).
2. Бобожонова, Ф. Х. (2021). БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ. *Scientific progress*, 2(1), 362-366.
3. Бобожонова, Ф. Х. (2022). БУХОРОДАГИ МИР-АРАБ МАДРАСАСИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР. *ke_ [kVSSZSc*, 94.
4. Bobojonova, F. Issues of construction, material security and organization of activities of madrasas in the Emirate of Bukhara. 2020. B-213.
5. Bobojonova, F. X. *Bukhara madrassas are a masterpiece of spirituality. SCIENTIFIC PROGRESS VOLUME 2 | ISSUE 1 | 2021 ISSN: 2181-1601* 2021. R-362-366.
6. Bobojonova, F. (2021). Buxoro madrasalari manaviyat durdorasi. *Центр научных публикаций (buxdu. uz)*, 6(6).
7. Bobojonova, F. (2021). Бухоро амирлигидаги янги усул мактабларининг фаолияти. *Центр научных публикаций (buxdu. uz)*, 8(8).
8. Bobojonova, F. (2021). Деятельность школ джадидов в бухарском эмирате в начале XX века. *Центр научных публикаций (buxdu. uz)*, 8(8).

9. Bobojonova, F. (2021). Строительство, материальное обеспечение и организация деятельности бухарского медресе. *Центр научных публикаций (buxdu. uz)*, 8(8).
10. Bobojonova, F. (2020). Buxoro amirligida XIX asr oxiri XX asr boshlarida ananaviy boshlsngich maktablar holati. *Центр научных публикаций (buxdu. uz)*, 1(1).
11. Bobojonova, F. (2020). Buxoro amirligidagi madrasalarning qurulishi, moddiy-xojalik taminoti va faoliyatini tashkil qilish masalalari. *Центр научных публикаций (buxdu. uz)*, 1(1).

71.	BASIC INFORMATION ON THE IMPLEMENTATION OF INCLUSIVE EDUCATION IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN Xudaybergenov Ikram Baxtiyarov Atabek	328
72.	TEMPERAMENT AS A PERSONALITY STRUCTURE Jumabaeva Araylim Bakit qizi Sagindikova Asemay Batirxan qizi	334
73.	CHARACTERISTICS OF THE COLON MICROFLORA IN CHILDREN Umarkulov Mukhtorali Islomkulovich	339
74.	PROKURATURA ORGANLARINING YOSHLAR O'RTASIDA HUQUQBUZARLIKLAR PROFILAKTIKASI FAOLIYATIDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING AHAMIYATI Urakov Djaxongir Rajabovich	343
75.	ZAMONAVIY DRAMATURGIYANING O'ZBEK ADABIYOTIDAGI O'RNI N. Eshmirzayeva	349
76.	COMPREHENSIVE OPHTHALMOLOGICAL APPROACHES: A STUDY ON CLINICAL PRACTICES AND INTERVENTIONS IN RETINAL AND CORNEAL DISEASES Jalalova Dilfuza Zuhridinovna Kasimov Turdali	353
77.	THE ROLE OF THE MAR TEST IN THE IDENTIFICATION AND TREATMENT STRATEGY SELECTION FOR MEN WITH IMMUNOLOGICAL INFERTILITY Mirkurbanova Takhmina Khamidzoda	362
78.	THE PSYCHOLOGICAL ROLE OF HAPPINESS HORMONES IN HUMAN LIFE Sultanova Zebokhon Safarbay kizi	366
79.	ЎЗССР МАОРИФ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН “ЎҚУВЧИ БИЛЕТИ”НИНГ АҲАМИЯТИ Бобожонова Феруза Хаятовна	370
80.	QUVONCHLI YURAK, MEHRLI DUNYO Nasriddinov Rustamjon A'zamqulovich Karshibayeva Lobar Baxramovna	375
81.	BOLA TARBIYASIGA OID HIKMATLI SO'ZLAR LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI Avliyoqulova Rohila Nurali qizi	379
82.	CHET TILINI O'QITISH METODIKASIDA INNOVATSION YONDOSHUVAR VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI QO'LLASH MASALALARI Xudoyberdiyeva Nargiza Xayrullo qizi Mengboyev Azizbek	382
83.	CHET TILINI O'QITISH METODIKASIDA INNOVATSION YONDOSHUVAR VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI QO'LLASH MASALALARI Baxodirov Sherzod Baxodirovich Mengboyev Azizbek	385
84.	THE IMPACT OF MEDIA AND TECHNOLOGY ON THE FORMATION OF AMERICAN LANGUAGE Mengboyev Otabek Alijon o'g'li	388